



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 9 » октябрь

№ 641

Toshkent sh.

Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 22 июндаги ПФ–6012-сон Фармонига мувофиқ Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказишнинг мақсади ва вазифаларини, форумнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларини, Самарқанд форумини ташкил этиш ва ўтказиш, унинг дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, форумни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тартибини назарда тутувчи **Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси** 1-иловага мувофиқ;

Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби, бу борада тайёргарлик ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш, Самарқанд форумининг Ташкилий қўмитасининг ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифалари, форумнинг иштирокчилари ва унда иштирок этиш шаклларини назарда тутувчи **Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш регламенти** 2-иловага мувофиқ;

Самарқанд форумини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Х. Сайдов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” октябрдаги 641-сон қарорига
1-илова

Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форуми КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур концепция Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини (кейинги ўринларда – Самарқанд форуми) ўтказишнинг мақсадлари, вазифалари ва тартибини белгилайди ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2. Самарқанд форумининг асосий мақсади инсон хуқуқлари соҳасида ҳалқаро тажриба алмашиш орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўриш билан инсон хуқуқларини таъминланишига эришиш, инсон хуқуқларини қўллаб-куватлашни назарда тутадиган янги усул ва воситаларни қўллаш, инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистоннинг ижобий ҳалқаро имиджини янада яхшилашдан иборат.

3. Самарқанд форумининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистоннинг инсон хуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлари ва ташаббусларини дунё ҳамжамияти ўртасида тарғиб этиш ва шу орқали мамлакатнинг ҳалқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш;

инсон хуқуқларини долзарб масалалари бўйича ҳалқаро, минтақавий ва миллий муҳокамалар ташкил қилиш ҳамда бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштириш;

жамиятнинг турли тоифалар вакилларини (кам таъминланганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, қариялар ва бошқалар) хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳалқаро стандартлар ва хуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

инсон хуқуқлари соҳасидаги масалаларни хорижий олимлар, эксперт ва мутахассислар, ҳалқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилиш ҳамда бу борада назарий ва амалий тажриба алмашиш.

2-боб. Самарқанд форуми ташкилотчилари ва иштирокчилари

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Самарқанд форумининг асосий миллий ташкилотчилари ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда – БМТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (кейинги ўринларда – ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори, БМТ Таракқиёт Дастирининг Ўзбекистондаги доимий вакили, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори, халқаро ва хорижий ташкилотлар Самарқанд форумининг халқаро ҳамкорлари ҳисобланади.

5. Самарқанд форумида БМТнинг таркибий тузилмалари (органлари ва қўмиталари), инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миңтақавий ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, парламентлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, халқаро ва маҳаллий эксперtlар, олимлар, соҳа мутахассислари, журналистлар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этиш учун таклиф қилинади.

Иштирокчилар таркибини шакллантириш учун ташкилотчилар томонидан манфаатдор халқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, парламентлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, фуқаролик жамияти институтларига Самарқанд форуми ҳақида маълумот хати юборилади.

6. Самарқанд форумининг кун тартиби, ялпи ва шўъба мажлислари мавзуси ва маъruzачилар рўйхатини шакллантириш мақсадида Илмий жамоатчилик кенгashi тузилади. Кенгаш таркибига инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар, халқаро ва миңтақавий ташкилотлар вакиллари киритилади.

7. Самарқанд форумини юксак даражада ўтказиш бўйича тайёргарлик ва комплекс ташкилий тадбирлар режасини таъминловчи чора-тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўз вактида амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган Самарқанд форумини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

4-боб. Самарқанд форумини амалга оширишдан кутиладиган натижалар

8. Самарқанд форумини амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масалаларни хорижий олимлар, эксперт ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштироқида муҳокама қилинади ҳамда бу борада назарий ва амалий тажриба алмасилади;

мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқлари ва ташаббуслари дунё ҳамжамияти билан муҳокама қилинади, тарғиб

етилади ва шу орқали Ўзбекистоннинг халқаро рейтинги ва обрў-эътибори яхшиланади;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларини бажариш бўйича ижобий тажриба тўпланади;

инсон ҳуқуқларининг долзарб масалалари бўйича ташкил қилинган халқаро, минтақавий ва миллий муҳокамалар орқали бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятлар бирлаштирилади;

жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари (кам таъминланганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, қариялар ва бошқалар) ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “Э” октябрдаги 641-сон қарорига
2-илова

Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Инсон хуқуқлари бўйича Самарқанд форумига (кейинги ўринларда – Самарқанд форуми) тайёргарлик кўриш ва уни ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Самарқанд форуми **хар икки йилда йилнинг октябрь-ноябрь ойларида** ёки Самарқанд форумини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) таклифига асосан бошқа вақтларда ҳам ўтказилиши мумкин.

3. Самарқанд форуми, қоида тариқасида, Самарқанд шаҳрида ёки Ташкилий қўмита таклифига асосан бошқа шаҳарда ўтказилади.

4. Самарқанд форумининг ишчи органи **Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ҳисобланади.

2-боб. Ташкилий қўмита

5. Самарқанд форумини юксак даражада ўтказишга қаратилган барча тайёргарлик ва ташкилий тадбирлар комплексини таъминловчи чора-тадбирларни тайёрлаш ва ўз вақтида амалга ошириш Ташкилий қўмита томонидан амалга оширилади.

6. Куйидагилар Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Самарқанд форумини юқори савияда ўтказишга қаратилган барча тайёргарлик ва ташкилий тадбирлар комплексини таъминловчи чора-тадбирлар режасини (“йўл харитаси”) тайёрлаш ва ўз вақтида амалга ошириш;

Самарқанд форуми иштирокчиларининг келиб-кетиши, визаларининг расмийлаштирилиши, транспорт билан таъминланиши ва уларга тиббий хизматлар кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштириш;

ахборот-таҳлилий ва бошқа хужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлаш, тадбирнинг ахборот ҳамкорлигини ташкиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилиш;

тадбирлар ўтказиладиган жойларнинг техник ва телекоммуникациялар билан таъминланишини, ободонлаштириш ва йўл-таъмирлаш ишларини олиб боришни ташкиллаштириш, шунингдек, Тошкент ва Самарқанд (ёки бошқа)

шаҳарларида зарур меҳмонхоналарнинг тайёр бўлиши ва банд (бронь) қилинишини таъминлаш;

Самарқанд форуми ўтказиладиган жойларда қатъий санитария-эпидемиологик назорат ўрнатиш чораларини кўриш;

чора-тадбирлар режасини (“йўл харитаси”) ўз вақтида ва сифатли ижро этиш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, Самарқанд форумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш.

7. Ташкилий қўмита таклифига асосан Самарқанд форумини ўтказиш билан ташкилий ишларга ҳалқаро ташкилотлар, хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлар жалб қилиниши мумкин.

3-боб. Самарқанд форумини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

8. Самарқанд форуми ўтказиладиган йилнинг июль ойида Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Самарқанд (ёки бошқа) вилояти ҳокимлигининг таклифлари асосида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ташкилий чора-тадбирларни ва Самарқанд форумининг харажатлар сметасини назарда тутадиган Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳаси тайёрланади.

9. Ташкилий қўмита Самарқанд форумини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга муносиб тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини (“йўл харитаси”) тегишли йил февраль ойида ишлаб чиқиб, амалга ошириш тизимини жорий этади.

10. Самарқанд форумини ўтказиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларига куйидаги вазифалар юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – Марказнинг виза талабномаларига биноан келишилган рўйхатларга мувофиқ Самарқанд форумида иштирок этадиган хорижий мутахассислар учун белгиланган тартибда кириш визаларини консуллик йигимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йигимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда Ислом Каримов номидаги “Тошкент” ҳалқаро аэропортида расмийлаштирилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда ҳалқаро ташкилотлар вакилларининг онлайн форматдаги иштирокини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси – Самарқанд форумида иштирок этиши учун Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи делегация ва делегатларнинг божхона расмийлаштирувидан ўз вақтида ўтишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия – Ўзбекистон Республикасида делегация ва делегатларнинг хавфсизлиги ҳамда Тошкент ва Самарқанд (ёки бошқа) шаҳарларида тадбирлар ўтказиладиган жойларда хавфсизликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – Самарқанд форумини ўтказиш даврида тадбирлар ўтказилиши ва меҳмонлар яшаши керак бўлган жойларда самарали санитария-эпидемиологик назорат ўрнатиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Тошкент Халқаро Вестминстер Университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти – Самарқанд форуми ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига юқори курс талабалари, магистрант ва докторантларни волонтёрлар сифатида жалб қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан биргалиқда – Самарқанд форумининг очилиш тадбирида, танаффус ва тушлик вақтида миллий фон (жонли), тадбир иштирокчилари учун Хукумат номидан ташкил этиладиган расмий қабулда концерт дастури ва мультимедиа тақдимотини ташкил этишда юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган ёш санъаткорларни ўрнатилган тартибда шартнома асосида кенг жалб этишни таъминлаш;

Марказ – Самарқанд форумига бағишлиланган www.asianforum.uz сайтининг доимий фаолиятини таъминлаш;

Тошкент шаҳар ва Самарқанд (ёки бошқа) вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси – Самарқанд форуми қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиши чораларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги – Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти, Самарқанд халқаро аэропорти, Тошкент ва Самарқанд темир йўл вокзалларини ва улардаги VIP-залларни делегацияларни кутиб олиш, кузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун тайёрлаш;

Самарқанд (ёки бошқа) вилояти ҳокимлиги – Самарқанд (ёки бошқа) шаҳрида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, Самарқанд форуми ўтказиладиган бино ва худудларни талаб даражасида тайёрлашни таъминлаш;

“Ўзбеккино” миллий агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси – Самарқанд форумини тарғиб қиласидаган қисқа метражли хужжатли фильмларни ишлаб чиқиш ва уларнинг намойиш этилишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Бадий академия ва “Хунарманд” уюшмасига Самарқанд форумини хорижий иштирокчилари учун эсдалик совғалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Ташкилий қўмитага киритиш тавсия этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Самарқанд форуми ўтказиладиган йилнинг июль ойида ушбу тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш медиа-режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ташкилий қўмитага тақдим қилиш тавсия этилади.

Тасдиқланган медиа-режа асосида Самарқанд форумини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш таъминланади.

12. Самарқанд форуми формати ялпи, шўъба мажлислар, турли тадбирлар (семинар, “давра сухбати”, маҳорат дарслари, тақдимотлар ва бошқа) шаклида ўтказилади. Самарқанд форуми, қоида тариқасида, икки кун давомида ташкиллаштирилади.

Самарқанд форуми видеоконференцалоқа шаклида ҳам ўтказилиши мумкин. Самарқанд форуми иштирокчилари учун маданий дастурлар ҳам ташкиллаштирилиши мумкин.

13. Самарқанд форуми ўзбек, инглиз ва рус тилларида иш олиб боради. Ташкилий қўмита таклифига асосан тадбир бошқа тилларда ҳам олиб борилиши мумкин.

14. Самарқанд форуми дастури Илмий жамоатчилик кенгаши аъзолари ва Ташкилий қўмита таклифлари асосида шакллантирилади ва тадбир бошланишидан камида бир ой олдин тасдиқланади.

Ялпи йиғилишлар регламенти:

Маъruzalap – 20 дақиқа. Чиқишлиар – 10 дақиқа.

Шўъба йиғилишлар регламенти:

Маъruzalap – 15 дақиқа. Чиқишлиар – 7 дақиқа.

15. Самарқанд форумини ахборот билан таъминлаш қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

ахборотни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш, жонли эфирга узатиш;

маълумотларни www.asianforum.uz веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириш;

матбуот анжуманлари ўтказиш.

Самарқанд форумини ўтказиш бўйича Матбуот маркази тузилади, унинг фаолиятида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари иштирок этади.

16. Самарқанд форуми якунлари бўйича иштирокчилар томонидан инсон ҳукуқларини таъминлаш ва рўёбга чиқариш бўйича тавсиявий хусусиятга эга бўлган декларация, резолюция ёки бошқа ҳужжат қилинади.

Самарқанд форумининг якуний ҳужжатлари БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, парламентлар, инсон ҳукуқлари бўйича миллий институтларга юборилади, шунингдек, ташкилотчиларнинг веб-сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

4-боб. Самарқанд форуми иштирокчилари ва унда иштирок этиш шакллари

17. Самарқанд форумида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таркибий тузилмалари (органлари ва қўмиталари), инсон ҳукуқлари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар, инсон ҳукуқлари бўйича миллий институтлар, парламентлар, суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, халқаро ва маҳаллий эксперtlар, олимлар, соҳа мутахассислари, журналистлар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этиш учун таклиф қилинади.

18. Иштирокчилар Самарқанд форумининг ялпи ва шўъба мажлислари, тадбирлари (семинар, давра сұхбати, “маҳорат дарслари”, тақдимотлар ва бошқа) ва маданий дастурларида қатнашиши мумкин.

19. Самарқанд форумида иштирок этиш, маъруза билан чиқиш қилиш, “маҳорат дарслари” ўтиш, мунозараларда қатнашиш ёки тингловчи сифатида қатнашиш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

20. Самарқанд форумида иштирок этиш шартлари куйидагилардан иборат:
иштирокчиларнинг олдиндан электрон рўйхатдан ўтиши ёки иштирокини бошқача тарзда тасдиқлаш;

дастлабки экспертизадан ўтказиш учун маъruzалар матнлари ёки бошқа материалларни тақдим этиш;

Самарқанд форумига шахсан ташриф буюриш (агарда видеоконференцалоқа шаклида ўтказилмаётган бўлса).

21. Ташкилий қўмита тақлифига асосан Самарқанд форумида иштирок этганлигини тасдиқловчи сертификат берилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Самарқанд форумининг дастури у бошланишидан камида бир ой олдин Ташкилий қўмита томонидан берилган тақлифларга асосан шакллантирилади ва иштирокчиларга юборилади.

23. Самарқанд форумини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотлар маблағлари ёки ҳомийлик ҳайриялари, ташкилотчиларнинг маблағлари ёки қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда иштирокчиларга Форум доирасида мамлакат ичидаги ички транспорт ва овқатланиш, айрим хорижий иштирокчилар учун транспорт ва меҳмонхона билан боғлиқ харажатларни қоплайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “9” октябрдаги 641-сон қарорига
3-илова

**Самарқанд форумини ўтказиш бўйича Ташқилий қўмита
ТАРКИБИ**

- | | |
|------------------------------------|--|
| А.Х. Саидов

келишув асосида | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринbosари, Инсон хукуқлари бўйича Миллий маркази директори, <i>Ташқилий қўмита раиси</i>– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати масъул ходими |
| Ф.Н. Арзиев | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринbosари |
| Ш.У. Собиров | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринbosари |
| О.З. Насритдинходжаев | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринbosари |
| А.М. Хаджибаев | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари |
| О.А.Пекос | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси ахборот коммуникациялари ва технологияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринbosари |
| И.Р.Маҳкамов | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг биринчи ўринbosари в.б. |
| А.Х. Кўлдошев | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринbosари |
| А.Ў. Аққулов | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари |
| А.Ж. Тошқулов | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринbosари |
| У.Ш. Бегимқулов | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринbosари |
| Ж.Ш. Носиров | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринbosари |
| А.З. Саъдуллаев | <ul style="list-style-type: none">– Ўзбекистон Республикаси Ёшлиар ишлари агентлиги директори |
| Ж.О. Ортиқхўжаев | <ul style="list-style-type: none">– Тошкент шаҳар ҳокими |
| Э.О. Турдимов | <ul style="list-style-type: none">– Самарқанд вилояти ҳокими |

- | | |
|-------------------|--|
| А.А. Ходжаев | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори |
| А.Ж. Ходжаев | – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси |
| А.К. Кўчимов | – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори |
| Ш.Т. Кудратхўжаев | – Халқаро пресс-клуб раҳбари |
| Ф.Ф. Абдухаликов | – “Ўзбеккино” миллий агентлиги директори, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси |
| С.Л. Суяров | – “Дунё” Ахборот агентлиги директори |
| А.И. Икрамов | – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси |
| А.В. Нуридинов | – Ўзбекистон Бадиий академияси раиси |
| Э.С. Туляков | – “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори |
| Б.М. Бекмуродов | – “Юксалиш” умуммиллий ҳаракат раиси |

Изоҳ. Ташиклий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юклатилган шахслар киритилади.

